

«ПРАГМАТИК МУЛОҚОТ – БАРҚАРОР КЕЛАЖАК САРИ ЙЎЛ»



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 5 июнь кuni Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётган 29-Петербург халқаро иқтисодий форумнинг ялпи йиғилишида иштирок этди ва нутқ сўзлади.

«Албатта, бугунги форумнинг «Прагматик мулоқот – барқарор келажак сари йўл» деган шори рамзий маънога эга. Чундан ҳам айнан очиқ ва ўзаро ҳурматга асосланган мулоқот ҳозирги кунда барқарор ривожланишнинг асосий шартига айланмоқда. Ишонч, ҳамкорликка тайёрлик ва бир-валиқда ечим излашга интилиш бор жойда янги имкониятлар пайдо бўлади».

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Давлатимиз раҳбарининг нутқини куйидаги QR код орқали батафсил ўқинг:



ЎЗБЕКИСТОН АЭС ЛОЙИХАСИГА  
**9,5**  
МЛРД. ДОЛЛАР ЙЎНАЛТИРИЛАДИ

Бу ҳақда «Ўзатом» директори Азим Аҳмадхўжаев маълум қилди.

Қайд этилишича, лойиҳа доирасида бир майдонда иккита кичик ва иккита йирик реактор қурилади. Мажмуанинг умумий қуввати 2,1 ГВт бўлиб, 2035 йилга бориб йилга 15,2 млрд. кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқариши кутилмоқда.

Лойиҳани молиялаштиришнинг 85-90 фоизи ташқи кредитлар ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, маҳаллийлаштириш даражасини 30 фоизгача етказиш режалаштирилган.

Маълум қилинишича, лойиҳа мамлакат иқтисодиётига келгусида 165 млрд. доллاردан ортиқ иқтисодий самара келтириши мумкин. АЭС қурилиши бўйича ишлар 2026 йил 24 март кuni бетон қуйиш босқичининг бошланиши билан янги даврга кирди. Лойиҳа «Росатом» билан ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2026-yil,  
6-iyun,  
shanba  
№66  
(5286)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

## Ассалом, МУНДИАЛ!

**“K” GURUHI**

PORTUGALIYA  
KONGO D. R.  
O'ZBEKISTON  
KOLUMBIYA

PORTUGALIYA	FUTBOL	KONGO DR
17-IYUN 22:00		"HOUSTON" STADIONI
O'ZBEKISTON	FUTBOL SPORT	KOLUMBIYA
18-IYUN 07:00		"MEXICO CITY" STADIONI
PORTUGALIYA	FUTBOL SPORT	O'ZBEKISTON
23-IYUN 22:00		"HOUSTON" STADIONI
KOLUMBIYA	FUTBOL	KONGO DR
24-IYUN 07:00		"BIJADALAJARA" STADIONI
KOLUMBIYA	FUTBOL	PORTUGALIYA
28-IYUN 04:30		"MAMI" STADIONI
KONGO DR	FUTBOL SPORT	O'ZBEKISTON
28-IYUN 04:30		"ATLANTA" STADIONI

FIFA WORLD CUP 2026



### «ISHONCH» СЎРОВНОМАСИ

1. Иштирокчилар сони 48 тага етказилгани жаҳон чемпионати ўйинлари савиясига салбий таъсир кўрсатмайдими? Бу ҳақда фикрингиз қандай?
2. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг чемпионатдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?
3. Сизнинг тахминингиз: чемпионат якунида кучли учликдан қайси терма жамоалар жой олади?

4-саҳифага  
қаранг...

ҚУРИЛИШГА  
РУХСАТ ОЛИШ  
ЖАРАЁНИ  
СОДДАЛАШТИРИЛАДИ



Президентнинг «Қурилиш соҳасида натижага асосланган бошқарувни жорий этиш ҳамда соҳада давлат хизматларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинди.

Ҳужжатга мувофиқ, 2026 йил 1 сентябрдан бошлаб республика бўйлаб қурилиш соҳасидаги бир қатор давлат хизматлари бирлаштирилиб, ягона давлат хизмати – архитектура ва шаҳарсозлик талабини бериш тизими жорий этилади.

Шунингдек, 2026 йил 1 июндан объектларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига ўлаш жараёни «1 та ариза – 1 тўлов – барча ўлаш нукталари» тамойили асосида амалга оширилади.

Фармон билан қурилиш соҳасидаги айрим ортиқча келишув тартиблари ҳам бекор қилинмоқда. Хусусан, бинонинг мустақамлиги ва вазифаси таъсир қилмайдиган ўзгаришлар мавжуд бўлганда лойиҳани шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказиш учун ҳудудий кенгашлар билан қайта келиши талаби олиб ташланади.

Бундан ташқари, давлат хизматлари жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тадбиркорларга қўшимча беш иш кuni берилди.

2026 йил 1 сентябрдан қурилиш объектларини назорат қилишда видеокузатув камераларидан фойдаланиш тизими ҳам жорий этилади. Кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари, меҳмонхона, туризм, савдо ва саноат объектлари, шунингдек, қиймати 3 миллиард сўмдан юқори бўлган бюджет объектларида камералар ўрнатиш мажбурий бўлади.

Мутасаддиларнинг таъкидлашича, мазкур чоралар қурилиш соҳасида шаффофликни ошириш, хизматларни рақамлаштириш ва тадбиркорлар учун қулай муҳит яратишга хизмат қилади.

ЙЎЛКИРА АВТОБУСГА  
ЧИҚИШДА ТЎЛANAДИ



Транспорт вазирлигининг хабар беришича, бундай тартиб 3 июнь кuni имзоланган ҳукумат қарорига кўзда тутилган.

Янги қоидага кўра, йўловчи йўлқира ҳақини валидаторлар билан жиҳозланган автобусга чиқиш вақтида, куйидаги усуллар орқали тўлаши керак:

- транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда уни валидация қилиш;
- банк картаси, смартфон ва бошқа контактсиз электрон тўлов турларидан фойдаланиш (NFC, QR, Biometric, BLE, UWB ва бошқа технологиялар ёрдамида тўлаш);
- ижтимоий/транспорт картасини валидаторга теккизган ҳолда имтиёзли ёки бепул юриш ҳуқуқини тасдиқлаш.

Йўлқира юқорида санаб ўтилган усуллар орқали автобусга чиқиш вақтида тўланган (тасдиқланган) тақдирда, йўловчи автобусда чиқтасис юрган деб ҳисобланади. Мазкур қоида 2026 йил 1 сентябрдан эътиборан, брутто-шартнома асосидаги шаҳар автобусларида амал қила бошлайди.

ДАВЛАТ ОЛИЙ  
ТАЪЛИМ  
МУАССАСАЛАРИГА  
ҚАБУЛ БОШЛАНДИ

Бу ҳақда батафсил [ishonch.uz](http://ishonch.uz) хабардор этади:



ИШОНЧ САРИ ҚАДАМ

Наманган шаҳар Оила ва хотин-қизлар масканида ташкил этилган психологик тренингда «Аёллар дафтари»нинг 7-босқичи 4-тоифасига киритилган хотин-қизлар иштирок этди.

Тадбирда уларнинг руҳий саломатлигини мустақамлаш, ижтимоий фаоллигини ошириш ва ҳаётини муаммоларини енгиб ўтиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Мутахассислар психологик қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлган 64 нафар хотин-қизга стресс ва руҳий босимларни енгиш, ўз кучига ишончини ошириш, оилавий муносабатларни соғломлаштириш ҳамда турли вазиятларда тўғри қарор қабул қилиш юзасидан амалий тавсиялар беришди.

Интерактив мулоқотлар гуруҳли машғулотлар иштирокчиларига ўзларини қийнаётган саволларга жавоб топиш имконини яратди.

Қатнашчилар ҳам бундай мулоқотлар ҳаётга бўлган ижобий муносабатни кучайтириши, руҳий барқарорликни ошириши ва келажакка ишонч билан олға қадам ташлашга ёрдам беришини таъкидладилар. Муҳими, бу каби тадбирлар аёлларга муаммолар қаршида ёлғиз эмаслигини ҳис эттириб, қалбида янги умид ва ишонч уйғотади, шу боис келгусида ҳам давом эттирилади.

Нурбек ЭРКИНОВ

1211  
эшилади...

МУШКУЛНИ  
АРИТТАН ҚЎНҒИРОҚ

Бу йилги баҳор серёғин келди. Шамол, чанг-тўзон ҳам кўп бўлди. Бундан кўпчиликнинг мол-мулки, экин-тиқинига талафот етди. Хусусан, 15 апрель кунги кучли шамол Ойша онанинг уйи томини учириб кетди. Рўзғордан орттириб, шифер олишга хонадон аҳлининг қурби етмади.

Аёл дастлаб маҳалла фуқаролар йиғинига, Аммо ҳеч қандай натижа бўлмади.

Чорасиз қолган онахон Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг 1211 рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилди. Бошига тушган мушкулотларни куйиниб гапириб берди. Унинг муаммоси назоратга олиниб, масъулларга топшириқ берилди. Қисқа фурсатда хонадоннинг шикастланган уйи таъмирланиб, томига янги шифер қоқиб берилди.

Муҳаббат НОРБОУВА

ТОШКЕНТ  
ШАҲРИДА  
УЙЛАРНИНГ НАРХИ  
ЯНА ОШИМОҚДА

Батафсил билиш учун [ishonch.uz](http://ishonch.uz) га ўтинг:



ИНТИЗОМИЙ ЖАЗО  
БЕКОР ҚИЛИНДИ

Жисмоний тарбия фани ўқитувчиси Анвар Маманазаров шу йилнинг 7-14 февраль кунлари бокс бўйича ёшлар ўртасида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатидан хуш кайфиятда қайтди.

Чунки шоғирди Захро Дониёрова барча рақибларидан устун келиб, олтин медаль соҳиб бўлган. Аммо бу ютуқ муаллимга татимади. Чунки Жиззах шаҳридаги 21-умумтаълим мактаби раҳбарияти томонидан шоғирди билан чемпионатга берухсат кетгани учун унга нисбатан хайфсан интизомий жазоси тайинланди.

А.Маманазаров бу ноҳақликка чидалмай, Ўзбекистон касабалар уюшмалари Федерациясининг Жиззах виллояти кенгаши бош мутахассиси

**Кўзланган мақсадга эришиш учун ишбилармонлик ҳам илмдан кам бўлмаслиги зарур.**

**Пьер Огюстин Кароп**

**Касаба уюшмаси аралашгач...**

Меҳнат муносабатларида ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун билан муҳофаза қилинади. Бироқ айрим ҳолларда иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилиги талабларига риоя қилмаслиги низоларга сабаб бўлмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Учқўрғон туманлараро судида кўрилган навбатдаги иш ҳам шундай баҳсли воқеалардан бири бўлди.

## «ИШДАН БЎШАШ ҲАҚИДА АРИЗА ЁЗИБ ҚЎЙИНГ»

Пап шундаки, Муслимаҳон Шарофиддинова 2025 йил август ойида «Учқўрғон тумани сув етказиб бериш хизмати» давлат муассасасига ишга қабул қилинган. Аммо орадан беш ой вақт ўтиб, муассаса раҳбарияти уни Меҳнат кодексининг 160-моддаси 4-қисмига асосан ишдан бўшатган.

Баҳсли ҳолат шундаки, раҳбарият ходимни бўшатиш учун уни ишга қабул қилиш вақтида ёзириб олган «ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш» ҳақидаги аризани асос қилиб кўрсатган.

Суд жараёнида аризада ишдан бўшаш санаси кўрсатилмагани, кейинчалик эса ушбу сана бошқа шахс томонидан киритилгани аниқланди. Ажабланирлиси, муассаса вакиллари ҳам судда фуқароларни ишга қабул қилиш чоғида улардан ишдан бўшаш ҳақида ҳам ариза олинганини тан олиши ва буни ички тартиб-қоидалар билан изоҳлашга уринишди. Лекин меҳнат қонунчилигида бундай амалиёт назарда тутилмаган.

Суд қарориди қайд этилганидек, ходимнинг меҳнат муносабатларини тугатиш ҳақидаги қарори аниқ ва эркин

ифодаланган бўлиши шарт. Меҳнат кодексига кўра, ходим ишдан бўшаш истагини ёзма шаклда билдириши ва бу ҳақда раҳбариятнинг белгиланган муддатда оғоҳлантириши лозим. Шунингдек, меҳнат шартномасини тарафларнинг келишувига кўра, бекор қилиш учун алоҳида ёзма келишув расмийлаштирилиши талаб этилади.

Мазкур ишда юқоридаги талабларнинг бирортасига амал қилинмаган. Ходимнинг ҳақиқий истаги аниқланмаган, ишдан бўшаш санаси унинг ўзи томонидан ёзилмаган ва меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича тарафлар ўртасида қонуний келишув тузилмаган. Шунинг учун суд иш берувчининг ҳаракатларини меҳнат қонунчилигига зид, деб топди. Даввогар аввалги ишига тикланиши ҳамда мажбурий прогнул учун унинг фойдасига 10 миллион 121 минг сўмдан

ортиқ иш ҳақи ва 3 миллион сўм маънавий зарар ундириш зарурлиги белгиланди.

– Ушбу ҳолат меҳнат муносабатларида ходимнинг эркин иродаси ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини кўрсатди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Наманган вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори Баҳромжон Раҳимбердиев. – Зеро, ишга қабул қилиш пайтида ходимдан олдиндан ишдан бўшаш ҳақида ариза олиш қонунчилик талабларига зиддир.

**Эъзозбек ДАВРОНОВ**



## КОДЕКСДАН ЧЕТЛАШГАН ҚАРОР

*ёхуд мурожаат ортидан аниқланган ҳақиқат*

Ўшанда 2025 йилнинг кузи – Қашқадарё вилоятидаги «Косон Бахт текстиль» МЧЖ қошидаги пахта қабул қилиш масканида мавсумий ишлар авж паллага кирган пайтлар эди. Ушбу корхонага Бектош Чориев, Фаррух Рўзиев, Мухтор Шодмонов, Равшан Эшонов, Турсунпўлат Салоҳиддинов, Мухриддин Очилов, Отабек Суннатов ва Анвар Мўминовлар мавсумий ёрдамчи сифатида меҳнат шартномаси асосида ишга олинади.

2026 йилнинг 14 февралда эса улар билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат кодексининг 169-моддасига асосан бекор қилинди.

Фуқаролар иш берувчининг ҳагги-ҳаракатидан норози бўлиб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилояти кенгашига мурожаат йўллашди. Шу асосда масалани атрофлича ўргандик.

Аслида Меҳнат кодексининг 169-моддаси меҳнат шартномасини янги муддатга сайланмаганлик ёки танловдан ўтмаганлик ёхуд сайлашда, танловда иштирок этишни рад этганлик муносабаги билан бекор қилишга боғлиқ ҳолатларга тегишли бўлиб, юқоридаги вазиятга мутлақо тўғри келмайди. Мавсумий ходимлар билан тузилган меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиблари Меҳнат кодексининг 494-моддасида белгилаб қўйилган.

Ўрганишлар мобайнида иш берувчи томонидан меҳнат қонунчилиги нормалари нотўғри қўлланилгани, хусусан, меҳнат шартномасини бекор қилишда тегишли моддаларга амал қилинмагани ҳамда белгиланган тартиб бузилгани аниқланди. Кенгаш томонидан мазкур ҳолатга ҳуқуқий баҳо берилиб, ходимларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, уларни ўз ишига қайтариш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Шу тариқа мурожаатчиларнинг муаммоси ижобий ечим топди.

**Шамсиддин САТТОРОВ,**  
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қашқадарё вилояти кенгашининг меҳнат ҳуқуқ инспектори,

**Одил МАҲМУДОВ,**  
Кенгашининг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси

**Фаолият**

Қишлоқ хўжалиги нафақат иқтисодиётимиз таянчи, балки мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигининг бош нафолатидир. Шу боис, аграр тармоқда меҳнат қилаётган ҳар бир ишчи-ходим, фермер ва томорқа ер эгасининг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси тармоқ тизими томонидан ходимларни аъзоликка жалб қилиш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

## ЭЛ РИЗҚИНИ ЯРАТАЁТТАНЛАР ҲИМОЯДА

Ана шу мақсадда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш учун Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий ҳокимликлар билан яқин ижтимоий ҳамкорлик йўлга қўйилди. Олиб берилган тарғибот ва ташкилий ишлар натижасида жорий йилнинг февраль-март ойларида тармоқ тизимида фаолият юритаётган 3 507 та фермер хўжалиги қамраб олинди. Уларда меҳнат қилаётган 12 521 нафар ишчи-ходимнинг истак ва хоҳишлари ўрганилиб, янгидан 103 та ҳудудий бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти ташкил этилди. Бу минглаб дала меҳнат-кашларининг ўз ҳақ-ҳуқуқларини касаба уюшмалари орқали ҳимоя қилишга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат беради.

Янги ташкил этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ишни тўғри йўлга қўйишнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Хусусан, барчасида жамоа шартномалари қабул қилиниб, қонуний тартибда экспертиза ва рўйхатдан ўтказилди. Шартномаларни тузишда қуруқ расмийчиликдан бутунлай воз кечилиб, қонунда кўрсатилган ҳар бир бўлим – меҳнатга ҳақ тўлаш, дам олиш вақти ва ижтимоий имтиёзлар фермер хўжалиги ишчилари билан бевосита дала бошида, очик мулоқот чоғида муҳокама қилинди. Иш берувчилар ва касаба уюшмаси ўртасидаги ўзаро мақбул келишувлардан сўнггина ушбу ҳужжатлар тасдиқланди.

Ҳозирги кунда янги ташкил этилган бошланғич ташкилотларда шартномаларда белгиланган бандлар ижросини таъминлаш босқичи жадаллик билан олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ишчи-ходимлар ва уларнинг фарзандларини тизимли равишда соғломлаштириш, сиҳаттоҳларга йўлланмалар ажратиш, дала меҳнат-кашларининг бўш вақтларини мазмуни ташкил этиш мақсадида маданий-маърифий тадбирлар ҳамда спорт мусобақаларини ўтказишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Иссиқ ва совуқ кунларда дала шароитида ишлаётган ходимлар учун муносиб шароитлар яратиш, уларни махсус кийим-бош ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш орқали меҳнат муҳофазасини кучайтириш чоралари ҳам кўриляпти.

Биз, касаба уюшмалари мутасаддилари қишлоқ хўжалиги соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир инсонни қадрлаймиз. У ҳоҳ раҳбар ходим, хоҳ механизатор, сувчи, чорвадор ёки оддий ишчи бўлсин – қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий бурчимиздир.

**Ерғали СЕЙТНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Агросоаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси бўйича масъул ташкилотчиси



**Тадбир**

## ИНСОНИЯТ ХОТИРАСИ МУЖАССАМ ДАРГОҲ

Тарихчилар қайд этишича, дастлабки кутубхоналар миллрдан аввалги III–II минг йилликларда Месопотамияда пайдо бўлган. У ерда лойдан ясалган тахтачаларга битилган ёзувлар махсус жойларда сақланган.

Марказий Осиё ҳам қадимдан илм-маърифат ўчоқларидан бири бўлган. Бухоро, Самарқанд, Хивадаги мадрасалар ҳузурида бой қўлёзма фондларига эга кутубхоналар фаолият юритган. Хусусан, Хоразм заминидagi илм марказлари юзлаб олимларни етиштирган.

Кутубхона фақат китоб сақланадиган жой эмас. У миллат хотираси, халқнинг маънавий мероси ва интеллектуал бойлиги жамланган хазинадир. Бу ҳақдаги ва бошқа қизиқарли маълумотлар Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси томонидан уюштирилган навбатдаги тадбирда алоҳида қайд этилди.

Тадбирдан кўзланган мақ-

сад умумтаълим мактаблари кутубхоналарида ва вилоят бобалар кутубхонасида фаолият кўрсатаётган фидойи ходимлар меҳнатини эътироф этиш ва рағбатлантириш эди.

Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Қ. Зарипов, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Хоразм вилояти бўйича масъул ташкилотчиси М. Раҳимова ва бошқалар ёш авлодни китобсеварлик, маънавият ва маърифат руҳида тарбиялашда кутубхоначиларнинг ҳиссаси катта эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кутубхоналарга ва китобларга муносабат ўзгарди. Янги ахбо-

рот-кутубхона марказлари ташкил этилмоқда, электрон кутубхоналар йўлга қўйилмоқда, китоб фондлари янгиланмоқда ва «Китобхон миллат» гоёси кенг тарғиб қилинмоқда. Бироқ кутубхоначилар меҳнати ҳали ҳам юксак қадрланаётгани йўқ. Иш ҳақининг пастлиги асосий муаммо. Бундан ташқари, китоб ва архивлар билан ишлаш чанг, аллергия ва нафас йўллари касалликлари каби хавфли келтириб чиқариши мумкин. Айрим кутубхоналарда меҳнат муҳофазаси ва санитария шароитлари ҳали ҳам талаб даражасида эмас. Масъуллар ушбу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан мутасадди ташкилотларга тегишли тақлиф ва тавсиялар берилганлигини айтиб ўтдилар.

Тадбир якунида бир гуруҳ фаол ва ташаббускор кутубхоначилар муносиб тақдирланди.

**Муҳаббат ТўРАБОВЕВА**  
«ISHONCH»

**САВОЛ:** Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган ҳайдовчиларга «Огоҳлантириш» кўринишидаги жазо нимадан иборат экани ҳамда қайси ҳолатларда тайинланиши ҳақида маълумот берсангиз.

**Сўранг, жавоб берамиз...**

## «ОГОҲЛАНТИРИШ» КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

**Дилшод САЙФИДДИНОВ**  
Тошкент вилояти

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикасининг 2026 йил 4 февралдаги 1116-қонуни билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (МЖК)га қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра, йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ кам аҳамиятли ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий огоҳлантириш кўринишида жазо чораси қўлланилиши белгиланди. Бу ҳуқуқбузарлик содир этган шахсга расмий танбеҳ бериш дегани.

Маъмурий огоҳлантириш ёзма (электрон) равишда қўлланилади. У хавфсизлик камаридан ва мототашмадан фойдаланиш қоидаларини бузган, белгиланган тартибда рўйхатдан ёки техник кўрикдан ўтказилмаган, фойдаланиш ман этиладиган даражада носозлиги бор транспорт воситаларини бошқарган, транспорт воситасини бошқариш вақтида телефон ёки монитордан фойдаланган, тўхташ ёки тўхтаб туриш қоидалари ҳамда мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун талабларига бўйсунмаган ҳайдовчиларга, йўл ҳаракати қоидаларини писанд этмаган пиёдаларга нисбатан қўлланилади.

Ушбу жазо чораси фуқарога нисбатан йилда бир мартадан ортиқ қўлланилиши мумкин эмас.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

## ЖИЗЗАҲДАГИ ОРОМҒОҲЛАРДА жорий мавсумда 4700 дан зиёд бола дам олади

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши фаоллари таътилга чиққан 135 нафар ўқувчини Шароф Рашидов туманидаги «Energy» болалар соғломлаштириш оромгоҳига кузатишди. Шу жараёнда уларга дам олиш масканларида яратилган шароитлар ва ўтказиладиган машғулотлар ҳақида маълумотлар беришди.

Маълумотларга кўра, Зомин туманида жойлашган 150 ўринли «Юлдузча», Шароф Рашидов туманидаги 270 ўринли «Energy» ва Шароф Рашидов номидаги болалар оромгоҳларида кулолчилик, китобхонлик, ракс, робототехника, дизайнпер-

лик, мунозара каби йигирмага яқин клублар фаолияти йўлга қўйилган. Шу билан бирга, маданий-маърифий тадбирлар, ўйин ва мусобақалар уюштирилиши режалаштирилган.

Жорий мавсумда вилоятда мавжуд 9 та оромгоҳга 4725 нафар вояга етма-

ган болалар қамраб олинади. Хавфсизлигини таъминлаш мақсадида эса масканларнинг ҳар бирига ўртача 20 тадан кузатув камералари ўрнатилган. Шунингдек, транспорт воситалари техник кўриқдан ўтказилиб, болаларни манзилга етказиш ИПХ ходимлари кузатуви остида амалга ошириляпти.

Бу йилги таътил болалар учун мароқли ва унутилмас бўлиши шубҳасиз.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ**  
«ISHONCH»

**Ёз – 2026**

Энг аччиқ ҳақиқат энг ёқимли адашишдан афзал.  
Белинский

Олам ва биз

Бугун мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ёки оғир шароитда яшайётган фуқаролар ҳукумат эътиборидан четда қолаётгани йўқ. Нафақалар, моддий ёрдамлар, субсидиялар, имтиёзли кредитлар – буларнинг барчаси инсонни мушкул аҳволдан чиқариш, у оёққа туриб олиши учун яратилган имкониятидир.

Боқимандалик



# НАФАҚА, МОДДИЙ ЁРДАМ, ЦЕМЕНТ...

Яна нима истайсиз?

Бироқ айрим ҳолатларда ана шу эзгу мақсад нотўғри тушунилиб, ижтимоий ёрдам доимий тирикчилик манбаи сифатида қабул қилинаётгани кузатилмоқда. Бу жамиятда боқимандалик кайфияти кучайишига сабаб бўлаётгани билан хавотирлидир.

Ана шундай ҳолатлардан бири уйчилик Н.Қ. мисолида намоён бўлди. У уч нафар фарзандни ёлғиз ўзи тарбияламоқда. Давлат унга мунтазам равишда болалар нафақаси тўлаб келмоқда. Шунингдек, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан «Саховат ва кўмак» жамғармаси ҳисобидан 1 миллион 800 минг сўм миқдорда моддий ёрдам ҳам ажратилган.

Ва яна маҳаллий солиқ тушумларининг 10 фоизли улуши ҳисобидан хонадонни таъмирлаш учун 2 тонна цемент олиб берилган. Яъни мутасадди ташкилотлар ва давлат томонидан муайян кўмак чоралари кўрилган.

Бироқ Н.Қ. шунча ёрдам олаётганига қарамастан, турли давлат идораларига яна моддий кўмак сўраб мурожаат қилишда давом этмоқда. Ачинарлиси, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, меҳнат қилиш, касб ўрганиш ёки даромад манбаи яратиш

орқали турмушини яхшилашга интилиш ўрнига, тайёр ёрдамни кутишга одағланиб қолган.

Аслида ижтимоий ёрдамнинг мазмун-моҳияти мутлақо бошқача. У инсонни боқиманда қилиш учун эмас, аксинча, қийин вазиятдан чиқиб кетишига кўмаклашиш учун берилади. Инсон қўллаб-қувватлов орқали ўзини тиклаб олиб, кейин мустақил ҳаёт кечиришга интильсатгина, бу ёрдам ўз самарасини беради.

Ҳаёт шунини кўрсатадики, меҳнат қилиб топишган ризикнинг қадри ҳам, баракаси ҳам бошқача бўлади. Тайёр ёрдам эса эҳтиёжни вақтинчалик қондириши мумкин, аммо инсон ҳаётга муносабатини ўзгартирмас, муаммоси ечим топмайди. Шу боис айрим кишиларга ижтимоий кўмак бериш билан бир қаторда, уларда меҳнатга интилиш, касб-хунар ўрганиш, тадбиркорлик қилиш ва ўз ҳаёти учун масъулият ҳиссини шакллантириш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, фаровон турмушга тинимсиз изланишлар, ҳаракат ва ҳалол меҳнат орқали эришилади.

Анваржон ҲАЛИМОВ  
«ISHONCH»

# ТАБИАТНИНГ ИНСОНИЯТГА МУРОЖААТИ

Табиат инсониятнинг энг қадимий уйи, энг ишончли таянчи ва энг бебаҳо ҳаёт манбаидир. Одам қанчалик ривожланмасин, замонавий технологиялар яратмасин, шаҳарлар барпо этмасин, барибир, унинг ҳаёти табиат билан чамбарчас боғлиқ. Биз нафас олаётган ҳаво, ич-ётган сув, истеъмол қилаётган озиқ-овқат, фойдаланаётган энергия ва яшайётган макон – барчаси табиат неъматлари. Шу боис уни асраш фақат экологик вазифа эмас, балки инсоният келажагини сақлаб қолиш масаласидир.

Агар табиат инсониятга мурожаат қилганида, эҳтимол, шундай дер эди: «Эй инсон! Мен сени минг йиллар давомида бағримда асрадим. Сенга яшаш учун ҳаво, сув, тупроқ, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини бердим. Сен бойликларимдан фойдаланиб, ҳаётингни яхшиладинг. Аммо бугунги фаолиятинг мувозанатимга кучли таъсир кўрсатмоқда. Мени асра, чунки менинг соғлиғим сенинг ҳаётингдир».

Бугунги кунда бу мурожаатни турли экологик муаммолар орқали эшитиш мумкин. Ҳаво ифлосланиши, сув ресурслари камайиши, тупроқ унумдорлиги пасайиши, чиқинди миқдори ортиши, иқлим ўзгариши, чуллангиш ва биологик хилма-хилликнинг қисқариши шулар жумласидандир. Бу муаммолар бирор ҳудуд ёки битта давлатга тегишли эмас, бутун инсоният олдида турган умумий хавфдир. Чунки табиат чегараларни тан олмайди: бир ҳудуддаги ҳаво ифлосланиши, сув танқислиги ёки иқлим ўзгариши бошқа ҳудудларга ҳам таъсир кўрсатиши аниқ.

Илмий нуқтаи назардан қараганда, табиат мураккаб ва ўзаро боғланган тизимдир. Атмосфера, гидросфера, литосфера ва биосфера бир-бири билан доимий алоқада бўлади. Атмосфера ҳавони, гидросфера сув муҳитини, литосфера ер қобиғи ва тупроқни, биосфера эса тирик организмлар дунёсини ўз ичига олади. Ушбу тизимлардан бирида юзага келган салбий ўзгариш бошқаларига ҳам таъсир қилади. Масалан, ўрмонлар камайиши нафақат дарахтлар сони қисқариши, балки ҳаводаги кислород ва карбонат ангидрид мувозанати бузилиши, тупроқ эрозияси, ҳайвонлар яшаш жойининг йўқолиши ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ жараёнлардир.

Табиат инсониятга, энг аввало, ҳаво орқали мурожаат қилади. Тоза ҳаво барча тирик мавжудотлар учун зарур. Аммо сааноат корхоналари, транспорт воситалари, ёнилғи-ёқилги ёниши, қурилиш ишлари ва чанг-тўзонлар атмосфера ҳавоси ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ҳаво таркибидаги зарарли моддалар инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Нафас олиш йўллари касалликларга, аллергияга, юрак-қон томир муаммолари ва умумий иммунитет пасайиши ифлос ҳаво билан боғлиқ бўлиши мумкин. Демак, ҳаво мусаффолиги инсон саломатлигининг муҳим шартидир.

Табиатнинг яна бир муҳим мурожаати сув билан боғлиқ. Сув ҳаётнинг асоси ҳисобланади. Инсон танасининг катта қисми сув-

дан иборат, ўсимликлар сув орқали озиқланади, ҳайвонлар ва барча экотизимлар сувга муҳтож. Бироқ ундан нотўғри фойдаланиш, дарё ва каналларнинг ифлосланиши, ер ости сувларининг камайиши, сўғоришдаги исрофгарчилик сув танқислигини кучайтиради. Айниқса, қурғоқчил ҳудудларда уни тежаш ва ундан оқилона фойдаланиш ҳаётини заруратга айланмоқда. Табиат гўё сув орқали инсониятга: «Ҳар бир томчимни қадрланг, чунки сувсиз ҳаёт йўқ!» деб мурожаат қилмоқда.

Тупроқ ҳам бебаҳо бойлиқдир. Инсоният озиқ-овқатининг катта қисми унинг унумдорлиги ҳисобга етиштирилади. Тупроқ оддий ер қатлами эмас, балки тирик организмлар, микроорганизмлар, минерал моддалар, намлик ва органик қолдиқлар иштирокида шаклланган мураккаб табиий тизимдир. Уни ҳосил қилиш учун табиатга жуда узоқ вақт керак бўлади. Аммо нотўғри сўғориш, ортиқча кимёвий моддалардан фойдаланиш, шўрланиш, эрозия ва ифлосланиш унумдорликни қисқа вақт ичида пасайтириши мумкин. Тупроқнинг заифлашиши эса ҳосилдорлик камайиши, озиқ-овқат хавфсизлиги издан чиқиши ва иқтисодий муаммоларга олиб келади.

Табиат инсониятга ўсимликлар дунёсини орқали ҳам мурожаат қилади. Дарахтлар ҳавони тозалайди, кислород ажратади, чангни ушлаб қолади, ёзда салқинлик беради, қушлар ва бошқа жониворлар учун яшаш жойи яратади. Яшил ҳудудлар инсон руҳиятига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Кўкаламзор жойларда одам ўзини тинч, соғлом ва тик ҳис қилади. Шу сабабли шаҳар ва қишлоқларда дарахт экиш, мавжуд яшил ҳудудларни парвариш қилиш, боғ ва хиёбонларни кўпайтириш экологик барқарорликнинг муҳим шартидир.

Ҳайвонлар эса экотизимда муайян вазифани бажаради. Баъзилари ўсимлик уруғларини тарқатади, бошқалари зараркунандалар сонини камайтиради, айримлари эса озиқ занжирининг муҳим бўғини ҳисобланади. Агар бир тур йўқолса, бу бошқасига

ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун биологик хилма-хилликни сақлаш инсоният учун нафақат илмий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга. Табиатнинг бу борадаги мурожаати жуда оддий: «Ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз ўрни бор, уларни асранг!».

Бугунги экологик муаммоларнинг асосий сабабларидан бири инсоннинг табиатга истеъмолчи сифатида шафқатсизларча муносабатда бўлишидир. Дарахт кесади, аммо янғисини экмайди. Сувдан фойдаланади, аммо тежашни ўйламайди. Тупроқдан ҳосил олади, аммо унинг унумдорлигини тиклашга етарлича эътибор бермайди. Чиқинди чиқаради, аммо уни саралаш ва қайта ишлашга бефарқ қарайди.

Табиатнинг инсониятга мурожаати аслида масъулиятга қақриқдир. Бу ҳар бир инсондан катта қурбонлик эмас, оддий эътибор ва маданият талаб қилади. Сувни беҳуда оқизмаслик, электр энергиясини тежаш, чиқиндини белгиланган жойга ташлаш, пластик идиш-буюмлардан камроқ фойдаланиш, дарахт экиш, қўчларни парваришлаш, табиат қўйнида дам олганда атрофни ифлослантirmаслик – булар ҳар ким ҳам бажара оладиган оддий амаллар. Улар кўпчилик томонидан бажарилса, катта натижа беради.

Экологик маданият оиладан, таълимдан ва жамиятдан бошланади. Болани табиатни асрашга фақат гап билан эмас, амалий намуна орқали ўргатиш керак. Агар бола катталарнинг дарахтга меҳр билан қарашини, сувни тежашини, чиқиндини ерга ташламаслигини кўрса, бу оқднинг ҳаёт тарзига айланади. Барча таълим муассасаларида экологик билимлар нафақат назарий, балки амалий машғулотлар орқали ҳам мустақамланиши зарур. Чунки табиатни севиш фақат билим эмас, балки тарбия ва одат масаласидир.

Табиатга муносабатда давлат сиёсати, қонунлар ва жамоатчилик назорати ҳам муҳим ўрин тутади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, чиқиндиларни бошқариш, сув ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, яшил ҳудудларни кенгайтириш, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар экологик барқарорликка хизмат қилади. Аммо ҳеч бир қонун инсоннинг ички масъулиятисиз тўлиқ самара бермайди. Табиатни асраш учун давлат, жамият ва ҳар бир фуқаро бир-галликда ҳаракат қилиши лозим.

Барқарор ривожланиш гоёси ҳам табиатнинг инсониятга мурожаатига жавоб сифатида қаралиши мумкин. Бу бугунги эҳтиёжларни қондириш билан бирга, келажак авлодларнинг имкониятларини чеклаб қўймамаслик бўлиб, биз бугун фойдаланаётган сув, тупроқ, ўрмон, фойдали қазилмалар ва бошқа ресурслар келажак авлодларга ҳам етиб бориши керак. Шунинг учун иқтисодий тараққиёт экологик хавфсизлик билан уйғун бўлиши зарур. Тараққиёт табиатни йўқ қилиш ҳисобига эмас, балки уни асраш орқали давом этиши керак.

Табиат инсониятга жим туриб ҳам кўп нарсани аниқлатади. Қурғоқчилик – сувни қадрлаш кераклигини, чангли ҳаво – яшил ҳудудларни кўпайтириш зарурлигини, шўрланган тупроқ – ердан оқилона фойдаланиш лозимлигини, камайиб бораётган ҳайвонлар – биологик хилма-хилликни ҳимоя қилиш кераклигини эслатади. Демак, табиатнинг тили бор. Фақат бу тил сўзлардан эмас, белгилар, ўзгаришлар ва оғоҳлантиришлардан иборат.

Хулоса қилиб айтганда, «Табиатнинг инсониятга мурожаати» – бу шунчаки бадиий тасаввур эмас, балки бугунги куннинг долзарб ҳақиқатидир. Табиат инсондан меҳр, эътибор ва масъулият қутмоқда. Инсон эса бу мурожаатни вақтида англаб, ўз ҳаёт тарзини у билан уйғунлаштириши керак. Чунки табиатни асраш соғлом ҳаётни, барқарор келажақни ва инсоният давомийлигини асрашидир.

Бугун экилган ниҳол, тежалган сув, тоза сақланган ҳаво, ифлосланмаган тупроқ ва ҳимоя қилинган жонивор – буларнинг барчаси келажак авлодлар учун қолдирилган бебаҳо мерос. Табиат инсониятга ҳар кун мурожаат қилмоқда. Биз унинг қақиринини эшитсак, бас!

Адамбой МАШАРИПОВ,  
Урганч давлат университетининг  
Экология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги  
кафедраси доценти

# ҚАЙ БИРИ АФЗАЛ: ГАЗОНМИ ЁКИ БИОХИЛМА-ХИЛЛИК?..

Тошкентда янги кўчалар, хиёбон ёки тураржой мажмуаси қурилиши жараёнида уларнинг ён-атрофида газон ҳам экилади. Бу аёнана йиллар давомида оддий тус олиб, гўё шаҳарсозликнинг ажралмас қисмига айланди.

Лекин экологлар бутазорлар, маҳаллий ва дала гулларидан иборат табиийроқ ландшафтлар анча фойдаланган бўлишини таъкидлашмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, бир гектар майдонга уруғли газон экиш ва уни парваришлаш учун ўртача 160-220 миллион сўм атрофида маблағ сарфланади. Бу фақат дастлабки харажат. Кейинчалик мунтазам сўғориш, ўғитлаш, ўриш ва парваришлаш ҳам маблағ талаб қилади.

Газонлар шаҳар манзарасини тартибли ва эстетик кўрсатиши мумкин. Бироқ биохилма-хилликни камайтиради. У ерда асаларилар, капалаклар ва бошқа чанглагуччи ҳашаротлар учун озуқа манбаи деярли мавжуд бўлмагани тўғрисида шаҳардаги экотизим бузилади.

Шу боис газонларга муқобил сифатида

маҳаллий ўсимликлар, бутазорлар ва ёввойи гуллардан иборат табиий ландшафтлар тавсия қилинмоқда. Бундай ҳудудлар нафақат биологик хилма-хилликни сақлайди, балки уни бойити ҳам. Асаларилар ва капалаклар кўпаяди, қушлар келади, озуқа занжири тиклана бошлайди. Бу шаҳар экологиясини яхшилашга хизмат қилади. Муҳими, бундай яшил ҳудудлар кўпинча камроқ сув талаб қилади.

Европанинг қатор шаҳарларида сўнгги йилларда «Wildflower meadow» – ёввойи гуллар ўтлоқларини барпо қилиш кенг жорий этилмоқда. Мунтазам ўриладиган газонлар ўрнида эндиликда маҳаллий гуллар ва ўсимликлардан иборат табиий ҳудудлар яратилмоқда. Бу экологик фойда берибгина қолмай, шаҳарларга ўзига хос эстетик қиёфа ҳам бахш этмоқда.

Тошкентда ҳам бундай тажрибанинг айрим намуналарини учратиш мумкин. Жумладан, Яккасарой туманидаги магистрал автобус йўлининг айрим қисмларига маҳаллий ўсимликлар ва дала гуллари экилган. Бу жойлардан ўтган одам кўз олдида фақат бир хил яшилликни эмас, балки ранг-баранг ва табиий ман-

зарани кўради. Энг муҳими, улар табиат учун анча фойдалани.

Афсуски, шаҳар бўйлаб амалга оширилаётган кўплаб ободонлаштириш лойиҳаларида эскича ёндашув – кенг майдонларни газон билан қоплаш ишлари ҳамон давом этмоқда. Бу экологик самарадорликдан кўра, ташқи кўринишга кўпроқ эътибор қаратилаётганини аниқлатади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Экология кўмитаси ҳамда шаҳарсозлик билан шугулланувчи мутасаддилар ушбу масалани қайта кўриб чиқсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Янги лойиҳаларда маҳаллий ўсимликлар, бутазорлар ва дала гулларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан фойдали ва самарали ечим бўлиши мумкин.

Диёра  
РАВШАНОВА  
«ISHONCH»

Таклиф



**Илм ўқишга боғлиқ, фахр – ишга, фаровон ҳаёт – тиришқоқликка, мукофот – тақдирга.**

«Авесто»дан

**11 июнь куни МУХЛИСЛАР ТЎРТ ЙИЛ ОРЗИҚИБ КУТГАН КАТТА ФУТБОЛ БАЙРАМИ БОШЛанади. ШУ КУНИ НАВБАТДАГИ – 23-ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ СТАРТ ОЛАДИ. АҚШ, МЕКСИКА ВА КАНАДА МЕЗБОНЛИК ҚИЛАЁТГАН МАЗКУР МУНДИАЛ БИЗ УЧУН МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАМИЗНИНГ ТЎРТ ЙИЛЛИКНИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ТУРНИРИДА ИЛК МАРТА ИШТИРОК ЭТИШИ БИЛАН АҲАМИЯТЛИ. ҚЎЙИДА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ ТУРЛИ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЭЪТИБОРИНГИЗГА ҚАВОЛА ЭТАМИЗ.**



# Ассалом, Мундиал!



**«ISHONCH» СЎРВОНАМСИ**

Мундиал арасида футбол шарҳловчилари га учта савол билан мурожаат қилдик ва қуйидаги жавобларни олдик:

- 1. Иштирокчилар сони 48 тага етказилгани жаҳон чемпионати ўйинлари савиясига салбий таъсир кўрсатмайми? Бу ҳақда фикрингиз қандай?
- 2. Ўзбекистон миллий терма жамоасининг чемпионатдаги имкониятларини қандай баҳолайсиз?
- 3. Сизнинг тахминингиз: чемпионат якунида кучли учликдан қайси терма жамоалар жой олади?

**Зоҳид КАРИМОВ:**

- 1. Жамоалар сони 48 тага оширилгани ўйинлар савиясига салбий таъсир кўрсатмайди, аксинча, мен шундайлиги бахслар ва қизиқарли учрашувлар сони кўпайишига ишонаман. Сабаби, футбол барча қитъаларда жадал ривожланмоқда ва номдор бўлмаган терма жамоалар қўшилганда барчани ҳайрон қолдириши ҳеч гап эмас.
- 2. Гуруҳимизда Португалия ва Колумбия жамоалари кучли. Мен Португалияни чемпионлик учун асосий даъвогарлардан бири, деб ҳисоблайман. Шунга қарамай, Ўзбекистон терма жамоасининг гуруҳ босқичидан ўтишига ишонаман.
- 3. Тахминимча, жаҳон чемпионати якунида кучли учлик қуйидаги кўринишда бўлади: 1-ўрин Испания, 2-ўрин Португалия, 3-ўрин Германия.

**Ориф ТОЛИПОВ:**

- 1. Назаримда, FIFA мундиал иштирокчилари сони ошириш учун узоқ йиллик таҳлил ва тадқиқот олиб борган. Ҳўлсалар имкон бергани, ушбу қарор қабул қилинган. Ўйлашимча, 32 та терма жамоа қатнашган турнирларда қўшилган сифат тафовути сақланиб қолади. «Кичик» деб қаралаётган жамоалар катта жамоаларга етарлича қаршилиқ кўрсатади.
- 2. Гуруҳимиз турнирдаги энг мураккабларидан бири. Бу ерда FIFA рейтингни юқорисидаги Португалия (5-ўрин) ва Колумбия (13-ўрин) жамоалари бор. Нуфузли наслар бу икки термани жаҳон чемпионлиги учун топ-10 даъвогар қаторида санашмоқда. Осон бўлмастлиги аниқ. Каннаваро 3 ўйинга алоҳида алоҳида ёндашув билан тайёрланса, Ҳўсанов бошичилигидаги ҳимоятчи Роналду ва Диас қабилад босимида туриб бера, олиндида Шомуродов ва Файзуллаев, албатта, яратилган имкониятлардан фойдаланадилар.
- Конго эса бизнинг энг асосий рақобатчимиз, уларга қарши 3-турдаги ўйин биз учун финалга тенг бўлади. Гуруҳдан чиқишимизга ишонаман.
- 3. Кучли учликни мен шундай кўраман: Бразилия – чемпион, Франция иккинчи, Испания эса учинчи ўрин соҳиб.

**Отабек ЖЎРАЕВ:**

- 1. Албатта таъсир кўрсатади. Бир томондан, масалан, Шотландия – Гаити, эки Эквадор – Кюрасао терма жамоалари ўйинлари ушбу мамлакатлар аҳолиси ва қисман гуруҳдаги рақиблари учун қизиқ бўлиши мумкин. Бошқа томондан эса, бу каби ўйинлар орқали ҳам жаҳон чемпионати кўшимча телетомошанилар аудиториясини қамраб олади.

Натижада трансляция ҳуқуқларини сотишдан келадиган даромад ортади. FIFAга эса, қолаверса, мусобақада иштирок этадиган терма жамоаларга ҳам шу керак. Ахир терма жамоаларга гуруҳ босқичида иштирок этганининг ўзи учунгина бериладиган 10 миллион доллар ортиқчилик қилмаслиги аниқ. Кейинги босқичларга ўтган сайин бу даромад микдори ҳам ошиб бораверади.

2. Биз қийин, ҳатто айтиш мумкинки, жуда мураккаб гуруҳга тушиб қолдик. Статистикага қарайдиган бўлсак, рақибларимизнинг ҳар бири Ўзбекистон терма жамоасидан қимматроқ баҳоланади. Португалия, Колумбия ва Конго терма жамоаларининг Европадаги ТОП-5 чемпионатларда тўп сурадиган ўйинчилардан ташкил топган таркибининг трансфер нархи миллий жамоамиздан икки, беш ва ўн баробар баландроқ эканини кўришимиз мумкин. Шунга қарамай, мен футболчиларимиз гуруҳда 3-4 очко жамғара олишадан ва плей-офф босқичига чиқишадиган деб ишонаман.

3. Испания, Франция ва амалдаги жаҳон чемпиони Аргентина терма жамоаларининг жаҳон чемпионлигига асосий даъвогарлар бўлишиди, деб ўйлайман. Португалия, Бразилия, Англия ва Германия термаларини ҳам ҳисобдан чиқариб бўлмайди.

**Мурод РИЗАЕВ:**

- 1. Тўғри, гуруҳ босқичида кучли жамоалар билан кучсизроқлари ўртасидаги ўйинлар, аниққас, ўша кучли жамоа гуруҳдан чиқиш масаласини ҳал қилиб бўлган бўлса, қўтилганидек томошабоп бўлмаслиги мумкин. Лекин 1/16 финал босқичидан бошлаб унда савияси паст ўйинларни кўрмаймиз, деб ўйлайман.
- 2. Афсуски, терма жамоамиз жуда кучли гуруҳдан жой олган. Шунинг учун мен, мухлислар айбига буноирлигимиз, имкониятларимизни анча паст, деб ҳисоблайман. Жаҳон чемпионатига чиққанларимизнинг ўзи катта ютуқ биз учун. Менинг тахминимча, гуруҳдаги учала ўйинни ҳам ютқазаск керак. Битта дуранг ўйнасак ҳам зўр бўларди.
- 3. Кучли учлик босқичидаги тахминим қуйидагича: 1-ўрин – Испания, 2-ўрин – Франция ва 3-ўрин – Бразилия. Менинг назаримда, бугунги кунда жаҳон чемпионатида соврилли ўринларни эгаллашга мана шу терма жамоаларда имконият кўпроқ.

**Дилшодбек ТУХТАБЕКОВ:**

- 1. Менга 32 талик формат маъқулроқ туюлаверади. Лекин ҳамма нарса қачондир биринчи марта амалга оширилади ва кўпинча жамият томонидан қабул қилиниши қийин бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, аввал кўриш керак. Албатта чемпионат вақтида ҳамма ундан кейин фикрлар турлича бўлади. Бироз муддат ўтиши керак. Кейин вақтнинг ўзи кўрсатиб қўяди яхши эки ёмонлигини.
- 2. Футболчимиз охириг йилларда ўсди. Бунга шубҳа қилмайман. Аммо гуруҳдаги рақибларимиз ўта кучли. Жаҳон чемпионатида термаимиз гуруҳдан чиқишини жудаям хоҳлайман, лекин бу қийин масала. Барибир буни уйдлашадиган, деган умиддаман.
- 3. Айни дамда Франция, Португалия ҳамда Испаниянинг ўйинлари менга маъқулроқ. Яна Бразилия, Аргентина ҳамда Норвегия кучли кўринаяпти.

**Абдулла НУРМОНОВ:**

- 1. Иштирокчилар сонининг ошиши нисбатан кучсизроқ терма жамоалар сонини ҳам оширган, аммо бу қарорнинг ижобий жиҳатлари жуда кўп. Масалан, футбол географияси кенгайди. Кўпроқ ўйинлар, кўпроқ мухлислар, кўпроқ реклама ва трансляциялар – буларнинг барчаси футбол учун фойдали, деб ўйлайман. Жаҳон чемпионатида иштирок этиш катта оруз. Иштирокчилар сони оширилиши кўплаб жамоалар ва уларнинг мухлисларининг орузларини амалга ошишига сабаб бўлди. Бу жуда муҳим жиҳат.
- 2. Аслида биз асосий мақсадга эришдик. Энди эса илк мундиалда терма жамоамиздан жаҳон чемпионатидаги биринчи тарихий голимизни, биринчи галабамизни ва биринчи марта плей-оффга чиқишимизни кутамиз. Гуруҳдан чиқишга жамоамизнинг кучи етади. Бунинг учун камида битта учрашувни ютишимиз керак. Футболчиларимиз 90 дақиқа давомида кучли концентрация билан ўйнаса, албатта, галаба қозона оламиз. Иштирокчиларимизнинг гуруҳдан чиқишларига ишонаман.
- 3. Тахминимча, чемпионлик учун асосий даъвогарлардан бири Франция терма жамоаси. Бу терма жамоа таркиби жуда кучли ва катта турнирларда қандай ўйнашни билади. Яна бир номзод Испания терма жамоаси. Испанияда аjoyиб ёш авлод улғайган. Кучли учликда Бразилия терма жамоасини ҳам кўряпман.

**МУНДИАЛДА КИМЛАР ЎЙНАЙДИ?**

Бош мураббий Фабио Каннаваро қуйидаги футболчиларни якуний таркибга киритди:

- Дарвозабонлар:** Уткир Юсупов («Навбахор»), Ботирали Эргашев («Нефтчи»), Абдувоҳид Неъматов («Насоф»).
- Ҳимоятчилар:** Абдуқодир Ҳўсанов («Манчестер Сити», Англия), Ҳожиакбар Алижонов («Пахтакор»), Фарруқ Сайфиев («Нефтчи»), Рустам Ашурматов («Истиклол», Эрон), Шерзод Насруллаев («Пахтакор»), Умар Эшмуродов («Насоф»), Абдулла Абдуллаев («Диббо», БАА), Авазбек Улмасалиев (ОКМК), Жаҳонгир Урозов («Динамо»), Бехруз Каримов («Сурхон»).
- Ярим ҳимоятчилар:** Акмал Мозговий («Пахтакор»), Отабек Шукуров («Бания», БАА), Жамшид Искандеров («Нефтчи»), Одил Ҳамробеков («Трактор», Эрон), Жалолиддин Машаринов («Истиклол», Эрон), Остон Уронов («Персеполис», Эрон), Достон Ҳамдамов («Пахтакор»), Азиз Ганиев («Ал Батаех», БАА), Аббос Файзуллаев («Истанбул Башакшехир», Туркия), Шерзод Эсанов («Бухоро»).
- Ҳужумчилар:** Азиз Амонов («Динамо»), Игорь Сергеев («Персеполис», Эрон), Элдор Шомуродов («Истанбул Башакшехир», Туркия).

**СТАДИОНЛАР**

Ўзбекистон терма жамоаси гуруҳ босқич ўйинларини ўтказадиган стадионлар билан танишинг.

**«Ацтека»** стадиони. Мексика пойтахти Мехико шаҳрида, денгиз сатҳидан 2200 метр баландликда жойлашган. 1966 йилда фойдаланишга топширилган, 1985 йил қайта таъмирланган. 87523 та ўринга эга.

Терма жамоамиз 17 июнь кунини (Тошкент вақти билан 18 июнь, соат 07:00 да) Колумбияга қарши

ўйинни шу стадионда ўтказди.

**«NRG Stadium»** стадиони. АҚШнинг Техас штати, Ҳьюстон шаҳрида жойлашган. 2002 йилда фойдаланишга топширилган, 71 минг томошабинга мўлжалланган.

Мазкур стадионда 23 июнь кунини Тошкент вақти билан соат 22:00 да Ўзбекистон – Португалия терма жамоалари ўзаро тўқнаш келади.

**«Мерседес-Бенц»** стадиони. АҚШнинг Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида жойлашган. 2017 йилда қуриб битказилган. MLSда иштирок этадиган «Атланта Юнайтед» клубининг ўй стадиони ҳисобланади. Уриндиқлар сони 42500 та.

27 июнь кунини (Тошкент вақти билан 28 июнь, соат 04:30 да) Ўзбекистон – Конго ДР терма жамоалари учрашуви шу стадионда бўлиб ўтади.

**ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ**

Чемпионат давомида жами 104 та ўйин ўтказилади. Шундан, 78 тасига АҚШ, 13 тадан ўйинга Канада ва Мексика мезбонлик қилади.

Гуруҳ босқичи 11 июндан 27 июнга қадар бўлиб ўтади. 28 июнь – 3 июль саналари оралигида 1/16 финал ўйинлари, 4 – 7 июль кунлари 1/8 финал учрашувлари ўтказилади. Чорак финаллар 9 – 11 июль, ярим финаллар 14 – 15 июль саналарида режалаштирилган. 3-ўрин учун ўйин 18 июль кунини бўлиб ўтади. Чемпионни аниқлаб берадиган финал эса 19 июль кунини АҚШнинг Нью-Жерси штатидаги «MetLife Stadium» стадионида ўтказилади.

**ҚИЗИҚАРИ МАЪЛУМОТЛАР**

- «Ацтека» стадиони 1970 ва 1986 йиллардаги жаҳон чемпионатлари ўйинларига ҳам мезбонлик қилган.
- АҚШнинг 1994 йилги жаҳон чемпионати учрашувлари ўтказилган 9 та стадиондан бирортаси 2026 йилги ўйинларни қабул қилмайди.
- Шу вақтгача ўтказилган 22 та жаҳон чемпионатида фақат Европа ва Жанубий Америкадан 8 та давлат терма жамоалари чемпион бўлишган: Бразилия – 5 марта, Италия ва Германия – 4 мартадан, Аргентина – 3 марта, Уругвай ва Франция – 2 мартадан, Англия ва Испания – 1 мартадан.
- Жаҳон чемпиони бўлган 8 та терма жамоадан 6 таси ўзи мезбонлик қилган мундиалда голиб чиққан.
- Шу пайтгача фақат бир марта – 2002 йилги жаҳон чемпионати 2 та давлат (Япония ва Жанубий Корея)да ўтказилган.
- Фақат Бразилия терма жамоаси барча жаҳон чемпионатларида иштирок этган.
- Жаҳон чемпионатларида Германия терма жамоаси энг кўп – 8 марта финалда ўйнаган.
- Шу пайтгача бирорта терма жамоа кетма-кет 3 марта жаҳон чемпиони бўла олмаган.
- Германия ва Аргентина терма жамоалари финалда 3 марта тўқнаш келишган.
- Жаҳон чемпионини аниқлаш учун 3 та финалда ўйиндан кейинги пенальтилар сериясига мурожаат қилинган.
- Германия терма жамоаси жаҳон чемпионатларида энг кўп – 12 марта медалга сазовор бўлган: олтин (1954, 1974, 1990, 2014 йиллар), кумуш (1966, 1982, 1986, 2002 йиллар) ва бронза (1934, 1970, 2006, 2010 йиллар).

**Дармон ИБРОҲИМОВ**  
«ISHONCH»

Комилжон Отаниёзов ижросида

**«Ошиқ бўлмишам»**

Мароқли дам олинг азиз газетхон!

Қўшиғи

Маҳтумқули газали

Эй, ёронлар, бир юзи гул оя ошиқ бўлмишам,  
Барчалар мақсуди гул-рағноя ошиқ бўлмишам,  
Булулам бог ичра, бир гавгоя ошиқ бўлмишам,  
Ўзи гойиб, зулфлари ялдоя ошиқ бўлмишам,  
Манзилим бог ичрадир, саҳроя ошиқ бўлмишам.

QR code

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Андижон вилояти кенгаши жамоалари Таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Бўстон тумани кенгаши раиси

**Умиджон Маъруфжонов АБДУВАЛИЕВ**

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига таъзия билдиради.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари тахририяти жамоаси узоқ йиллар мазкур тахририятнинг Жиззах вилояти бўйича муҳбири вазифасида ишлаган, кейинги вақтда «Жиззах овози» газетаси бош муҳаррири сифатида фаолият юритиб келган

**Муқимбой Ҳороқович ИСМОИЛОВ**

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардик изхор этади.

**Мутолаа**

## ЎҚИШНИ ХОҲЛАЙМАН, ЛЕКИН...

Бугун китоб мутолаасини оммалаштириш, ёшларда китобхонлик маданиятини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Турли танловлар, тавсиявий рўйхатлар ва маънавий-маърифий тадбирлар орқали ёшларни китоб ўқишга жалб қилишга ҳаракат қилинмоқда. Аммо баъзан бу жараёнда қўланилаётган айрим ёндашувлар қўтилган натижани бермаётгани ҳам кузатилмоқда.

Кунларнинг бирида доимий ўқувчим Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тохир Малиқнинг «Шайтанат» асарига қизиқиб қолди. Мен унга бу асар ниҳоятда маъшурулиги, китобхонлар унинг кейинги қисмини интиқлик билан қўтириши ҳақида қисқача сузлаб бердим. Шу жараёнда суҳбатдошимда асарга қизиқиш янада ортди. Бирок...

– Жуда ҳам ўқишни хоҳлайман, фақат... – деди у.

– Нима халақит беряпти? – деб сўрадим.

– Аввал рўйхатдаги китобларни ўқиб чиқишим керак. Бунга вақт етмайди.

Маълум бўлишича, у миллий сертификат имтиҳони учун тавсия этилган бадиий адабиётларни ўқиш билан банд экан.

Шунда бир масала ҳақида ўйланиб қолдим: мутолаа инсоннинг ички қизиқиши ва эҳтиёжга таяниши керак. Агар китобхонга аниқ рўйхат асосида китоб ўқиш мажбурияти юкланса, мутолаа заъф эмас, вазифага айлана қолмайди. Оқибатда инсон ўзи қизиққан асарни эмас, «керакли» китобни ўқишга мажбур бўлади. Бу эса китобга қизиқишнинг сувайсишга олиб келиши мумкин.

Китоб рўйхат бўйича тавсия қилинса – фойда, мажбуриятга айланса – тўсиқ.

Илмий жиҳатдан ҳам инсон ўзи қизиқиши билан бажарган ишни яхшироқ англайди ва узоқ вақт эслаб қолади. Худди шундай, китобхон ҳам ўзи хоҳлаб мутолаа қилган асарни қалбига яқин олади. Мажбуран, қисқа муддатда ўқилган китоб эса кўпинча шунчаки «ёлдиз»га айланади.

Афсуски, бугун айрим ёшлар китобни билим ва завқ манбаи сифатида эмас, балки имтиҳон ёки таллов учун бажарилиши шарт бўлган вазифа сифатида қабул қилишмоқда. Бу уларни мутолаадан совитиш хавфини тугдиради.

Менимча, ёшларни китобга жалб қилишда танлов эркинлигига кўпроқ аҳамият бериш лозим. Иштирокчилар ҳам фақат белгиланган рўйхат эмас, китобхоннинг ўзи ўқиган асарлар асосида савол-жавоблар қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Чунки китобхонга «қанча китоб ўқидинг?» деган саволдан кўра, «қандай китоб ўқидинг?» деган ёндашув муҳимроқдир.

**Фотима РЎЗИЕВА,**  
Қашқабар вилояти,  
Ҳузур тумани  
Ахборот-қутубхона  
маркази ходими

**MUASSIS:**

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

2007-йил 11-январда Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-5002

722010500019

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари тахрир ҳай'ати:

**Qudratilla RAFIQOV**  
(тахрир ҳай'ати раиси),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROVI, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosham SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»), Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir  
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflik fikri taхriрият nuqtasi nazaridan farqlanishi mumkin.

**Bo'limlar:**

Kasaba uyushmalari hay'ati – (71) 256-64-69  
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43  
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20  
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23  
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31  
Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12  
Jizzax viloyati – (+998-99) 689-00-27  
Namangan viloyati – (+998-99) 213-09-66  
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26  
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55  
Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70  
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44  
Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24  
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01  
Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**  
Allijon ABDURAHMONOV

**Musahihlar:**  
Dilorom XUDOYBERGANOVA,  
Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**  
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti – 23:20**  
Topshirildi – 23:40

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.  
**E-mail:**  
ishonch1991@yandex.uz

**Nashr ko'rsatkichi: 133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifati chop etilishiga bosmaxona mas'ul.**  
Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

**Umumiy adadi 35 220 ta**

**Shunday: 6 555 nusxasi**  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –  
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**

**19 464 nusxasi**  
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –  
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**

**9 201 nusxasi**  
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –  
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.  
Hajmi 2 bosma taboq. **Buyurtma: G-611**

1 2 3 4 5 6